

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида Ўрта Осиё тарихида муҳим урин тутган Курбон Мамед Сардор — Жунаидхон (1860-1932) ўз курашларида жосуслик тармоғини йўлга қўйганлиги боис, олдинлари чоризм, кейин большевиклар устидан катта галабалар қозонди.

Жунаидхон шиддатли жанглар қилиб довруқ таратишига, душманга қаттиқ зарбалар бериб эсанкиратиб қўйишига унинг навкарларидаги жанговарлик ва ватан туйғуси сабаб эди. У ҳар бир навкарни ўзи синаб қўшинига қабул қилар, каттами кичикми гуруҳга бош бўлишга арзирли йигитни эса янада қаттиқ «имтиҳон» дан ўтказарди.

Навкарбошликка номзод бўлган йигитни кенг омма олдидаги майдонга ўтиргизар, одамларидан бирига имо қилса, саксовулзорнинг муштдек чўғини олиб, ўша одамнинг тиззаси устига қўярди. Агар «номзод» чидамсиз бўлса додлаб юборар ва уни яна оддий навкарликка туширишаркан.

Гоҳида тиззага қўйилган чўғни сезмагандай оғриққа чидаган номзод гарчи ҳаммаёқни қуйган эт хиди тутиб кетсада бардош бериб навкарбоши бўларди.

Айнан навкарлардан ҳам зийрак ва чаккон жосусларни Жунаидхоннинг жосуслик маҳкамаси раҳбари вазифасидаги Матчон Тўра ёллаган. У тез-тез кишлоқларда бўлиб турар, олтин эвазига қўплаб хуфийларни ўзига оғдириб оларди. Ҳар бир жосус уч ёки тўртта алоқачи орқали Жунаидхонга маълумот етказиб турар эди. Қўпинча алоқачилар саводсиз бўлгани боис фақат белгиланган вазифани бажарар, нима қилаётгани хақида тасаввурга эга бўлмасди. Алоқачилар хабарларни қовуннинг ичига, чопон қатига, аравалар, тарвузнинг ичига яшириб етказарди. Улар гўё ўзларини тўй ёки маъракага, касал қариндошини қўргани боришаётган, хунардандга аравасини тузаттирмоқчи бўлган дехкон, гоҳида дарвеш, дайди қиёфасида қўрсатиб, Жунаидхон олдига етиб борарди. Хон ҳам ўз мактубларини турли йўллар билан, ҳеч бўлмаса, биттаси етиб борар, деган ниятда бир неча нусхада жўнатарди.

Бир куни, 1924 йилнинг январиди Хивадаги пишканик дарвозаси олдида дафн маросими бўлади. Қариялар, қариндошлари қўшнилари тобут қўтариб, марҳумни қалъа ташқарисидаги қабристонга қўйиш учун кетардилар. Шаҳардан ҳеч қимми ташқарига чиқармаслик тўғрисида буйруқ берилган, шунинг учун соқчилар дарвозани очишмайди. Шунда бир гуруҳ мулла ва оломон марҳумни ўз вақтида дафн этиш кераклиги хақида ваъз-насихат қилиб, дағдага қилишади. Нимадандир шубҳаланган соқчилар—Отажонов ва Қариев бир гуруҳ миқшабни қаққариб, тобутдаги марҳумнинг қимлигини текширмоқчи бўлишади. Оломон ҳарчанд қаршилик қўрсатмасин, миқшаблар тобутни очишади. Қарашса, тобутда тирик одам қўрқувдан дағ-дағ қалтираб ётибди. Тобут ва «марҳум» текширилганида, шаҳар мудофасининг заиф томонлари хақида Жунаидхонга етказиш лозим бўлган маълумот топилади. Орадан икки кун ўтиб, Хива қалъаси қамали давом этаётган пайтда Саиджон қори миқшадан намозга қаққариб эшитилади. Пекин муаззиннинг бу галги қаққариги, умуман, бошқача эди. «Аллоҳу Акбар» сўзларидан кейин муаззин араб тилида Жунаидхон учун керакли хабарни «қўша дарвоза томонга юр,

## Тобутга яширинган жосус

Муаллиф:

12.09.2013 21:05 -

---

Шохимардон томонга юр» деган сўзларни айтганди. Шахар химоячилари муаззиннинг галати сўзарини эшитиб, уни кўлга олдилар. Айтилган томон Шохимардон ва Кўша дарвозага борган химоячилар жосус муаззиннинг хабарини эшитиб, кўлида аркон билан юкорига тирмашаётган Жунаидхон навкарларига дуч келишади.

Булар Жунаидхоннинг жосуслик тармоги нақадар а 191 бовар килмас усулларга бойлигининг айрим тарихий далиллари. Шу тўғрисида ҳам Жунаидхон 1895-1932 йилларгача бўлган қарийб 40 йиллик курашда Чоризм ва большевиклар устидан кўплаб галабалар қозонганди.

Хуллас, жосуслик тарихи шу қадар қизиқарлики, бу борада тобут ичидаги жосуслик каби кўплаб воқеалар содир бўлган.

Умид Бекмухаммад